
Ўзини-ўзи банд қилмоқчи бўлган ёшлар қўллаб-қувватланмоқда

Риштон туманида "Ёшлар дафтари"га киритилган ҳамда касб-ҳунарга иқтидорли бўлган ёшларга иш фаолиятини бошлашлари учун "Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан керакли жиҳозлар тақдим этиш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Айтиш жоизки, Риштон туманида бугунги кунда рўйхатга киритилган ёшларга кўмак бериш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, кеча туманида "Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли қарори асосида "Ёшлар жамғармаси" маблағлари ҳисобидан 106 нафар ёшларга ўзини-ўзи банд қилишлари ва даромад топишлари учун субсидия асосида меҳнат қуроллари берилди. Туманда ўзини-ўзи банд қилиш ниятида бўлган ёшлар туман ҳокимлиги томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

2021-08-13 06:26:29